

«ТАСДИҚЛАНГАН»

№ 14815

22.06.2017



«НАМАНГАНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»  
акциядорлик жамияти акциядорларининг  
2017 йил "А" майдаги умумий йиғилиш  
карори билан

**“NAMANGANDONMAHSULOTLARI”**

аксијадорлик јамијати

# УСТАВИ

(янги таҳрирда)

Наманган - 2017 йил

161702.



**Yuridik shaxsnı tadbirkorlik subyektinı qavta ro'yxatdan o'lkazganlik xaqida  
ma'lumotnoması**

22.06.2017 r.

O'zgarishdan oldingi Tasischilar				
Tasischi turu	Tasischi STIRI	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ushbu
<b>O'zgarishdan keyingi Tasischilar</b>				
Tasischi turu	Tasischi STIRI	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ushbu
Yuridik shaxs	200048234	NAMANGANDONMAHSULOTLARI AJ	564 375 000.00	100.0 %
Özgarishdan keyin	Özgarishdan keyin	Özgarishdan keyin	Özgarishdan keyin	Özgarishdan keyin
1 Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekting nomi	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekting nomi	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekting nomi	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekting nomi	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekting nomi
2 THSh Aksiyatorlik jamiyat	THSh	THSh	THSh	THSh
3 Faoliyat yuridish manzili Namangan viloyati , Namangan shahri TEMIRYOL KOCHASI , 5-UY ,	Faciliyat yuridish manzili Özgarishshasi			
4 IFUT	IFUT	IFUT	IFUT	IFUT
Tegmenochorma ammos mukusligini ishlash				

O'zgarishdan oldingi Tasischilar				
Tasischi turu	Tasischi STIRI	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ushbu
<b>O'zgarishdan keyingi Tasischilar</b>				
Tasischi turu	Tasischi STIRI	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ushbu
Yuridik shaxs	200048234	NAMANGANDONMAHSULOTLARI AJ	564 375 000.00	100.0 %
Özgarishdan keyin	Özgarishdan keyin	Özgarishdan keyin	Özgarishdan keyin	Özgarishdan keyin
1 Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekting nomi	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekting nomi	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekting nomi	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekting nomi	Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyekting nomi
2 THSh Aksiyatorlik jamiyat	THSh	THSh	THSh	THSh
3 Faoliyat yuridish manzili Namangan viloyati , Namangan shahri TEMIRYOL KOCHASI , 5-UY ,	Faciliyat yuridish manzili Özgarishshasi			
4 IFUT	IFUT	IFUT	IFUT	IFUT
Tegmenochorma ammos mukusligini ishlash				

Namangan viloyati, Namangan shahri, YAGONA DARCHENIMOV

Imza : AKRAMOV SHAVKAT ABDRAXIMOVICH

## **МУНДАРИЖА**

I. Умумий қоидалар.....	3
II. Жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади .....	3
III. Жамият устав капиталининг миқдори .....	4
IV. Жамият акцияларининг турлари ва даромади (фойдаси)ни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби .....	7
V. Жамиятнинг захира фонди .....	9
VI. Жамият бошқарувининг тузилмаси .....	9
VII. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши.....	10
VIII. Жамият кузатув кенгаши.....	17
IX. Жамиятнинг ижроия органи .....	22
X. Жамият фаолиятини назорат қилиш .....	24
XI. Якуний қоидалар .....	26

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конунлари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа месъёрий-хукукий хужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Лотин алифбосига асосланган ўзбек тилида: – «Namangandonmahsulotlari» aksiyadorlik jamiyat (матн давомида – Жамият деб юритилади)

Рус тилида: – акционерное общество «Namangandonmahsulotlari».

Инглиз тилида: Joint stock company « Namangandonmahsulotlari ».

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Лотин алифбосига асосланган ўзбек тилида: – «Namangandonmahsulotlari» AJ

Рус тилида: – АО «Namangandonmahsulotlari».

Инглиз тилида: JSC « Namangandonmahsulotlari ».

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Темир йўл кўчаси, 5-й.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: [nam-don@inbox.uz](mailto:nam-don@inbox.uz)

1.6. Жамиятнинг корпоратив расмий веб-сайти: [www.namangandon.uz](http://www.namangandon.uz)

## **II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ**

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

2.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг куйидаги турларини амалга оширади:

- Дон, ун, омухта-ем ишлаб чиқариш ва халқ хўжалиги ҳамда аҳолини бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш;

- Дон, сортли ва гибрид дон ўғитлари, бошкка қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва улардан давлат заруратлари, ва бошқа истеъмолчилар буюртмалари бўйича етказиб беришни таъминлаш;

- Ғалла ва дон маҳсулотларини сакланишини таъминлаш;

- Ички ва ташки бозор коньюктурасини ўрганиш, ташки иқтимодий фаолиятини амалга ошириш;

- Узоқ ва кисқа муддатли маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш, буюртмалар портфелини шакллантириш ва уларни жойлаштириш, маҳсулотларни реклама қилиш;

- Улгуржи ва чакана савдо, савдо-харид ва тижорат фаолияти билан шуғулланиш;

- Тадбиркорларга ва фермер хўжаликларига пуллик сервис хизмати кўрсатиш (сервис марказларини ташкил қилиш);

- Ишлаб чиқарилган маҳсулотни товар ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб бериш жараёнини ривожлантириш;

- Жамият имиджини учун хайрия ишларини амалга ошириш;

- Жамият қошида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш учун ёрдамчи хўжаликларни ташкил қилиш;

- Маҳсулот сифатини ошириш ва жаҳон бозорига чиқиш учун чет эл инвесторларини жалб қилиш;

- Хар хил йўналишдаги янги технологияларни олиб кириш;

- Чет эл ва МДХ давлатлари билан ташки иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва қўшма корхоналар очиш;
- Жаҳон бозорига чиқиши учун ИНТЕРНЕТДА сайт ва Web-сайтларини ташкил қилиш ва жамият тўғрисида тўла маълумотлани ва прайс-варакларни ИНТЕРНЕТда ёритиш
- Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа барча фаолиятларни амалга ошириш.

2.5. Амалга оширилиши учун маҳсус рухсат (лицензия) талаб этиладиган, фаолият турлари қонунчиликда белгиланган тартибда лицензия берилгандан сўнг амалга оширилади.

### **III. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ**

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Жамиятнинг устав капитали 564 375 000 сўмни ташкил килади. У ҳар бирининг номинал қиймати 3 000 сўм бўлган 188 125 дона эгаси ёзилган оддий ва 1 308 дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларга бўлинган.

3.3. Жамият ташкил этилганда, унинг устав фондида (устав капитали) хорижий инвесторларнинг улуши 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорни ташкил этади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарорларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Устав фонди қуидагича тақсимланган:

- 157799 дона 473 397 000 сўмлик акциялар юридик шахслар ўртасида;
- 31643 дона 94 902 000 сўмлик акциялар жисмоний шахслар ўртасида тақсимланган.

### **ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ**

3.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав фондини (устав капитали) ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 3 000 сўм бўлган 1 000 000 дона оддий акциялардан иборат. Мазкур эълон қилинган акциялар чиқарилуви тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда, эмиссия рисоласи, кўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва ушбу уставда кўрсатилган тартибда жойлаштирилади.

3.6. Устав фондини (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилади.

3.8. Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Жамиятнинг кузатув кенгаси томонидан қабул қилинади.

3.9. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳаки пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ўзига тегишли шу турдаги акциялар микдорига мутаносиб микдорда уларни имтиёзли олиш хукуқига эга.

3.10. Имтиёзли хукукни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

3.11. Имтиёзли хукукка эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

3.12. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.13. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қоғозлар савдоши ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

3.14. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилаётганда жамиятнинг кўшимча акцияларига унинг ўз капитали хисобидан, шунингдек ҳакини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар хисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

3.15. Соликка оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик хисобига Жамият устав фондидаги (устав капитали) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор Жамият акциядорлари умумий йигилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камидан учдан икки кисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3.16. Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати микдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда Жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

3.17. Жамиятнинг Кузатув Кенгаси томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

3.18. Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) унинг ўз капитали хисобидан кўпайтиришда акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга кайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига

мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

## ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КАМАЙТИРИШ

3.19. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.20. Агар устав фондини (устав капитали) камайтириш натижасида унинг миқдори конун хужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав фондини (устав капитали) камайтиришга ҳақли эмас.

3.21. Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

3.22. Устав фондини (устав капитали) камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.23. Устав фондини (устав капитали) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини (устав капитали) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.24. Устав фондини (устав капитали) камайтириш вақтида Жамият тугатилганида назарда тутиладиган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

3.25. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан Жамият устав фондини (устав капитали) камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

3.26. Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олинадиган акцияларнинг турлари, Жамият сотиб оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони, сотиб олиш нархи, акциялар ҳакини тўлаш шакли ва муддати белгилаб қўйилиши лозим.

3.27. Жамият акцияларини сотиб олиш вақтида уларга пул билан ҳақ тўланади.

3.28. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат жамиятнинг акцияларни баҳолашни ва қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуки юзага келишига сабаб бўладиган харакати натижасида қийматнинг ўзгариши ҳисобга олинмаган ҳолда аниқланади..

3.29. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқукини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

3.30. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Жамият тасарруфига ўтган акциялар улар Жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

3.31. Устав фондини (устав капитали) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлиб Жамият кечи билан 30 кун ичидаги бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор килади. Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан 30 кун ичидаги Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишини ва устав фонди (устав капитали) камайтирилиши билан боғлик зарарни тўлашни талаб қилишга ҳакли.

#### **IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ДАРОМАДИ (ФОЙДАСИ)НИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий хужжатсиз эгасининг номи ёзилган эмиссиявий кимматли қоғозлар ҳисобланади. Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айрбошлишга йўл қўйилмайди.

4.2. Депо ҳисобварафидан кўчирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачиси томонидан бериладиган хужжатдир.

4.3. Акциялар мулк ҳуқуки ёки бошқа ашёвий ҳуқук асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси - Жамият акциядори деб эътироф этилади.

4.4. Жамият акцияларининг номинал қиймати 3 000 (бир минг) сўм.

4.5. Акцияларнинг номинал қиймати 5 000 сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.6. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йигилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳукукини беради.

4.7. Жамиятнинг даромадлари (фойдалари) соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилгандан кейин тўлиқ Жамият ихтиёрида қолади ва жамғармаларни ташкил этиш ҳамда Жамият акциялари бўйича дивидендлар тўлаш учун сарф қилинади, ёки Жамият акциядорлик умумий йигилиши карорига мувофиқ капиталлаштириш қилинади.

4.8. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджеттга соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан сўнг, Жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Жамият акциядорлари умумий йигилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

4.9. Жамият акциялари бўйича эълон қилинган дивидендларни белгиланган муддатларда тўлаши шарт.

4.10. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўқиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичидаги қабул қилиниши мумкин.

4.11. Акциялари бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

4.12. Дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

4.13. Агар дивидендлар тўлаш оқибатида акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик ахволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўғрисида қарор қабул қилишга ҳакли эмас.

4.14. Дивидендлар Жамиятнинг тасарруфида коладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

4.15. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича хисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган teng ҳукукларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

4.16. Дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра пул маблаглари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.17. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.18. Жамият бир йилда бир марта йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4.19. Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий хисоботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий хисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

4.20. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳукукий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида колади.

4.21. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга хисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблагларни норезидент акциядор тақдим этган банк хисобварагига ўtkазиб бериши шарт. Жамият акциядорларининг реестридан олинган, Жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда Жамият бухгалтериясининг хисобланган дивидендлар суммаси ва улар хисобланган сана тўғрисидаги маълумтономаси айирбошлап учун асос бўлиб хизмат қиласи.

4.22. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўtkазиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳукукига эга.

4.23. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўtkазиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳукукига эга.

#### 4.24. Жамият:

- жамият устав фондинининг (устав капитали) ҳаммаси унинг таъсис этилиши чогида тўлиқ тўлаб бўлингунинга қадар;
- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

## **VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ**

7.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йигилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши йил тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йигилиши ҳар йили одатда июнь ойида ўтказилади. Бунда, Кузатув кенгаши мавжуд вазиятлардан келиб чиккан холда, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш муддатини қайта кўриб чиқиш ва бошқа муддатни белгилаш хуқуқига эга.

7.2. Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар умумий йигилиши кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йигилиш ўтказилгунга кадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш хуқуқига эга. Бундай таклифлар молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

7.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида куйидаги масалалар кўрилади:

- кузатув кенгашини сайлаш;
- тафтиш комиссиясини сайлаш;
- Жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнесрежаси ижроси бўйича ҳисбот;
- Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари;
- фойда ва заарларини тақсимлаш;
- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун хужоатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хуласаларини эшлиши.
- Йигилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

7.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.

7.5. Акциядорларнинг умумий йигилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.6. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- эълон килинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;
- Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
- Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;
- Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;

➤ агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондини (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивиденdlар тўлашга ҳакли эмас. Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тутатилгач, Жамият хисобланган дивиденdlарни акциядорларга тўлаши шарт.

4.25. Жамият дивиденdlарнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган холда эълон қиласди. Жамият тўланадиган дивиденdlар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қозозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласди.

## V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда хисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йигилишида аникланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш ва акцияларни сотиб олишни талаоб қилиш хукуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав фондининг (устав капитали) 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тузилади. Захира фондига Жамиятнинг уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар иили соф фойдадан 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда мажбурий ажратмалар ўтказади.

5.4. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

5.5. Жамият соф активларининг қиймати акциядорларнинг умумий йигилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия баланси хисоби бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

## VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ТУЗИЛМАСИ

6.1. Жамият бошқарув органлари:

Акциядорларнинг умумий йигилиши, Кузатув кенгashi, Ижроия органи (Бошқарув раиси).

6.2. Жамиятни бошқариш органлари барча акциядорларга, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирки, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан катъи назар бир хил муносабатни таъминлайди.

6.3. Жамият бошқариш органлари акциядорларининг хуқук ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган бошқа зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

6.4. Жамиятни бошқариш органлари жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди.

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Жамият бошқарув раисини, одатда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш;;
- тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқкан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хуросаларини эшлиши;
- имтиёзли хукукни кўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида”ги Конунинг 35моддасида ва мазкур уставда назарда тутилган карорлар қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида”ги Конунинг 8 – бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида карор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи молмулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида карор қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида”ги Конунинг 9–бобига асосан Жамиятнинг аффилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида карор қабул қилиш;
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида карор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарамакаршилиги вақтида харакат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;
- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнесжараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида карор қабул қилиш;
- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида карор қабул қилиш;
- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йигилишни видеоконференсалоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- саноқ комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қозозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

➤ Жамият маблағлари хисобидан миноритар акциядорлик күмитасини сақлаш харжатини қолпаш (миноритар акциядорлик күмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

➤ акциядорларнинг умумий йигилишида хисбот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маъruzалари (хисботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йигилиши давомийлигини белгилаш;

➤ қонун хужжатларига ва мазкур Уставга мувофик кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.7. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгashi ва ижроия органига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

7.8. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгashi ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, куйидаги масалалар бундан мустасно:

➤ Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият уставига киритиш;

➤ Жамиятнинг ижроия органини тузиш.

7.9. Овозга кўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йигилишининг қарори, агар Конун хужжатларida ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йигилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

7.10. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 84моддаси кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар, акциядорлар Умумий йигилиши томонидан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч кисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

7.11. Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳакли эмас.

7.12. Умумий йигилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорлар эътиборига етказилади, бироқ бу муддат ана шу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан ошмаслиги керак.

7.13. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуқига акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан 3 иш кун олдин шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

7.14. Акциядорнинг талабига биноан Жамият акциядорга акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

7.15. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай колган шахсларнинг бузилган хукуклари тикланган ёки реестрни тузишда йул куйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун хужжатларida белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

7.16. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камидан етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Жамиятнинг расмий вебсайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

7.17. Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида 7 кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

7.18. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда куйидагилар кўрсатилиши керак:

- Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йигилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йигилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йигилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгандага акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

7.19. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгандага акциядорларга (давлат вакилига) тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молияхўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, Жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси, шунингдек, жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга белгиланган ривожлантириш стратегияси ва кун тартиби бўйича бошка зарур маълумотлар ҳамда умумий йигилиш кун тартиби бўйича кузатув кенгашининг позицияси тўғрисидаги маълумотлар киради.

7.20. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилгунга қадар акциядорларга уларнинг талабига кўра, кун тартиби шу жумладан, кузатув кенгашининг умумий йигилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотлар тақдим этилиши мумкин.

7.21. Акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига масала уни кўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исмишарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

7.22. Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод килиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исмишарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исмишарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

7.23. Аниқ масала кўйилишини акс эттирамайдиган таърифларнинг (шу жумладан, "турли масалалар", "бошка масалалар", "ўзга масалалар" ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилишига йўл кўйилмайди.

7.24. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

7.25. Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташабbusи асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик килувчи акциядорларнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

7.26. Акциядорларнинг умумий йигилишида Жамият кузатув кенгашининг, ижроия органининг мукофот ва компенсациялари миқдори, шунингдек, тақсимлашга таклиф этилаётган соғ фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг Жамият дивиденд сиёсатига мувофиқлигининг баҳоланиши (зарурат тугилганда соғ фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришининг тушунтирилиши ва иқтисодий асосланиши) батафсил ошкор этилади (эълон қилинади).

7.27. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорларнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш хақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 кундан кечиктирмай Жамиятнинг кузатув кенгаси томонидан амалга оширилади.

7.28. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йигилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

7.29. Жамиятнинг кузатув кенгаси Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чакириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳакли эмас.

7.30. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йигилишни чакиришни талаб килаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исмишарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

7.31. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиришни талаб килган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

7.32. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичидаги Жамият кузатув кенгаси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисида ёки йигилишни чакиришни рад этиш хақида қарор қабул килиши керак.

7.33. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиришни рад этиш тўғрисидаги қарор куйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиришни талаб килаётган акциядор (акциядорлар) ушбу модданинг биринчи қисмидаги назарда тутилган миқдордаги Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига кирмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала ушбу Қонун талабларига мувофик бўлмаса.

7.34. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йигилиши чакиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йигилиш чакиришни талаб килган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

7.35. Агар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

7.36. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл кўйилмайди.

7.37. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йигилиши ўрнига чакирилган такрорий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами кирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йигилиши ваколатли бўлади.

7.38. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йигилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йигилишда иштирок этиш хукуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

7.39. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Жамият кузатув кенгashi томонидан чакирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йигилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

7.40. Овозларни санаб чикиш, акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун Жамият кузатув кенгashi томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

7.41. Саноқ комиссияси акциядорларнинг умумий йигилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йигилишда овоз бериш хукукларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга кўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш хукукларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради, овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини Жамиятнинг архивига топширади.

7.42. Жамиятнинг кузатув кенгashi, ижроия органи ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, аудиторлик текширувани ўтказган аудиторлик ташкилоти вакили акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида иштирок этади.

7.43. Акциядор акциядорларнинг умумий йигилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йигилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

7.44. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йигилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил килинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исмишарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

7.45. Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йигилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

7.46. Овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун Жамиятнинг архивига топширилади. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йигилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

7.47. Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йигилишида ўқиб эшилтирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги хисботни эълон қилиш орқали акциядорлар зътиборига етказилади.

7.48. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин 10 (үн) кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишда раислик қилувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

7.49. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин

7.50. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳукуки акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йигилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Давлат вакилининг акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш ҳукуки шахсан унинг ўзи томонидан амалга оширилади.

7.51. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар конун хужжатларида белгилangan муддатларда Жамият корпоратив вебсайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталада жойлаштирилди. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варагига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг вебсайтида ҳам жойлаштирилади.

7.52. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргалиқдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиши мумкин.

7.53. Жамиятнинг миноритар акциядорлари хужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини кўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик килмаслиги лозим.

7.54. Жамият Акциядорлар умумий йигилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йигилиши тўғрисида»ги Низом асосида чакирилади ва ўтказилади.

### VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамият кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йигилишининг ваколатига тааллукли масалалар бундан мустасно.

8.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат.

8.3. Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси –йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади.

8.4. Акциядорлар умумий йигилишининг қарорига кўра Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йигилиши қарорида белгиланади.

8.5. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

- Жамиятнинг бизнесрежаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг хисботини мунтазам равишда эшлиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чақириш, Конунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар килиш, иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини ва акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя килиш тўғрисида”ги Конунида 59моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбоисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун киритиши;
- молмулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- жамиятнинг ижроия органи аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 – сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг кейинги йил йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктиримай маъкуллаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 майидан кечиктиримай тасдиқлаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, харажатлар сметасини тасдиқлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисботларини эшлиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини, шу жумладан ҳалқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисботларнинг ҳалқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича қарор қабул қилиш;
- аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини белгилаш ҳакида қарор қабул қилиш;
- тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг микдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- фаолиятнинг барча турлари билан шугулланувчи филиалларни ташкил этиш, ваколатхоналарни очиш ва тутгатиш;
- шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамияти шаклларида тузилади);
- Конунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар (Йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йигилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин) ва Жамият аффилланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлик битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг устав фондини (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият уставига киритиш;
- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қофозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлов асосида жалб этиш;
- жамиятнинг устав фондини (устав капитали) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капитали) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон килинган акциялари сонини камайтириш билан боғлик ўзгартиши ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳамда тегишли хужжатларни (акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини) тасдиқлаш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қофозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;